

---

## ФАРҒОНАДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРДАН ИБОРАТ ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ КЎРГАЗМА ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида вилоятдаги ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг кўргазма ярмаркаси бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2022 йил 12 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига тегишли ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига қўмаклашишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-390-сонли қарори ижроси доирасида Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Кўзи ожизлар жамияти, Ногиронлар жамияти ҳамда Карлар жамияти вилоят ҳудудий бўлимлари томонидан ташкил этилган ярмаркада 30 га яқин корхоналар ўз маҳсулотлари билан иштирок этдилар.

Кўргазма ярмарканинг очилиш маросимида иштирок этган вилоят ҳокимининг ўринбосари Жамшед Хатамов тадбир ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига тегишли ташкилотлар ва уларда меҳнат қилаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва фаоллигини янада кенгайтиришда, ижтимоий мослашувини оширишда муҳим қадамлардан бири бўлишига ишонч билдирди.

Ўтказилган ярмарка давомида вилоятимиздаги бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари ҳамда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар ўртасида умумий қиймати 5 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 45 та келишувларга эришилди. 2023 йил харид режаларидан келиб чиқиб, маҳсулотларни кафолатли харид қилишни назарда тутувчи шартномаларни расмийлаштириш жараёнлари давом этмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-12-23 19:40:00